

Сирдарёликларга инсонпарварлик ёрдами карвони йўлга чиқди



12:59 / 03.05.2020 2008

«Садақа қилувчи эркагу аёлга ҳамда Аллоҳга қарзи ҳасана берувчиларга (ажру савоб) кўпайтириб берилур. Уларга карамли ажр ҳам бор» (Ҳадид сураси, 18-оят).

Маълумки, жорий йилнинг 1 май куни Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиб, минглаб юртдошларимиз бошпанасиз қолди.

Бугун эрталаб Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ асос солган «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти биноси ёнидан Сирдарё вилоятидаги ҳамюртларимиз учун кийим-кечак, озиқ-овқат, болалар кийимлари, ўйинчоқлар ва бошқа зарурий маҳсулотлар юкланган юк машиналари карвони йўлга тушди.

Ёрдам карвони Сардоба сув омбори тўғонидаги офатдан зарар кўрганларга ёрдам бериш, бу оғир синовда елкадош бўлиш мақсадида «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти, Islom.uz портали, Muslimaat.uz ҳамда «Grand ta'lim» НТМ жамоаси (@grandtalim) томонидан ташкил этилган штаб томонидан юборилди.

Сирдарёлик юртдошларимизнинг бошига тушган бу мусибатни эшитиб, каттаю кичик ёрдамга ошиқишди. Бир кеча-кундузда юзлаб, минглаб юртдошларимиздан миллионлаб сўм ўтказмалари, нақд пуллар, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа турдаги хайриялар келиб тушди. Кимдир машинаси билан, кимдир маҳсулоти билан, кимдир яна қайсидир бошқа турда хизмат қилишга тайёрлигини изҳор қилди. Ўнлаб кўнгиллилар келиб, юборилган озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва бошқа маҳсулотларни саралаб, юк машиналарига юклашди.

Ёрдам карвони жўнаб кетар экан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» масжиди имом-хатиби, «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ бошчилигидаги ёрдам штаби ташкилотчилари сирдарёлик юртдошларимизнинг ҳаққига дуо қилиб, Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик-хотиржамлик, офият сўраб дуо қилишди. Шунингдек, Аллоҳ таолодан бу хайр-эҳсонларнинг ўрнини икки дунёда ҳам ортиғи билан тўлдиришини тилаб, хайрия ишларига бевосита ва билвосита ҳисса қўшган барча саховатпеша азизларимизнинг ҳаққига ҳам дуои хайрлар қилинди.



Диёнатли, саховатпеша, жонкуяр халқимиз Рамазон ойида миллатимизга хос бўлган олийҳимматлик намунасини яна бир қарра кўрсатди.







Барчангизга ташаккур, азиз юрtdoшлар!

Islom.uz портали тахририяти